

БАҢҚА ХАВБОРОТНОМАНИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтимизга утиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 23 (1098), 2017 йил 8 июнь

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Давлат бюджетининг 2016 йилдаги ва 2017 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди

1 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар парламент назорати доирасида Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тақдим этилган Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқдилар.



Эслатиб ўтамизки, ҳисобот сиёсий партиялар фракцияларининг ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг илгари бўлиб ўтган мажлисларида дастлабки тарзда кўриб чиқилган эди.

Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев республикамизда бошланган тизимли демократик ислохотларнинг ва мамлакатимизни модернизация қилишнинг сўзсиз давом эттирилишини, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга ҳамда иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишини, шу жумладан, Давлат бюджетининг бар-

ча даражалардаги мутаносиблигини, миллий валютанинг ва ички бозордаги нархлар даражасининг барқарорлигини сақлаб қолишга, иқтисодиётда, биринчи навбатда, саноатда ва қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантиришга ва улар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган вазифаларнинг бажарилишини 2017 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлар сифатида белгилаб берди.

«World Economic Outlook» Халқаро валюта фонди маълумотларига кўра, 2016 йилда жаҳон иқтисодиёти ўртача 3,1 фоизга ошди, ташқи савдо ҳажми эса атиги 1,9 фоизга ошган бўлиб, бу эса инвестициялар ҳажмининг 2015 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 13 фоизга пасайгани билан бўлиқдир.

(Давоми 2-бетда).

Мамаризо Нурмуратов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раиси этиб тайинланди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияси билан Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қарорига мувофиқ Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси лавозимида ишлаб келётган Мамаризо Бердимуратович Нурмуратов Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви раиси этиб тайинланди.

Мамаризо Нурмуратов 1960 йили Самарқанд вилоятида таваллуд топган.

1977 йили Тошкент халқ хўжалиги институтига ўқишга кириб, 1982 йили Ленинград иқтисодиёт-молия институти-ни тамомлаган.

1982-1985 йилларда Тошкент Халқ хўжалиги институтида ўқитувчилик қилган.

1985-1988 йилларда Москва Молия институти аспирантурасида таҳсил олган. Иқтисодиёт фанлари номзоди.

1989-1993 йилларда Тош-

кент халқ хўжалиги институти ва Молия институтларида доцент бўлиб ишлаган.

1993 йилдан Марказий банк тизимида фаолият кўрсата бошлаган: Марказий банкда Илмий тадқиқотлар маркази бошлиғи, Бошқарув раисининг ўринбосари, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари лавозимларида ишлаган.

2000-2004 йилларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазири лавозимида фаолият юритган.

2004-2006 йилларда



Самарқанд вилоятига раҳбарлик қилган.

2006-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг масъулатчиси бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати.

Микрокредитдан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тўғрисидаги тартибни ишлаб чиқди.

Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомда белгиланишича, микрокредитдан фойдаланиш ва қайтариш шартлари рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб олти ой мобайнида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тўловлилик, муддатлилик, таъминланганлик, пул маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва қайтариш шартлари асосида энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача миқдорда берилди.

Микрокредитлар қарз олувчига Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил январдаги «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан

шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган фаолият турларига (савдо ва умумий оқатланиш соҳаларидан ташқари) бир йиллик имтиёзли давр билан уч йил муддатга ажратилади. Фоиз ставкаси эса Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмайди. Агар микрокредит Имтиёзли кредитлаш жамғармаси ҳисобидан ажратилган бўлса, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи миқдорда белгиланади.

Эслатиш ўринлики, фоиз ставкаси миқдори Марказий банкнинг ставкасига қараб ўзгариши мумкин. Бордию Марказий банк қайта молиялаш ставкаси оширилса, фоиз ставкаси ўзгаришсиз қолдирилади.

(Давоми 3-бетда).

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 6 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгиледи:*)

1 Австралия доллари	2884,94	1 Канада доллари	2874,25	1 Норвегия кронаси	460,60	1 евро	4336,24
1 Англия фунт стерлинги	4984,91	1 Хитой юани	569,57	1 Польша злотийси	1043,58	10 Жанубий Корея вони	34,65
1 Дания кронаси	586,93	1 Кувайт динори	12776,54	1 Сингапур доллари	2803,53	10 Япония иенаси	350,44
1 БАА дирхами	1054,88	1 Россия рубли	68,35	1 СДР	5359,61	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.	
1 АҚШ доллари	3874,48	1 Украина гривнаси	147,43	1 Туркия лираси	1104,97		
1 Миср фунти	214,30	100 Ливан фунти	257,32	1 Швеция кронаси	449,10		
1 Исландия кронаси	39,75	1 Малайзия ринггити	908,33	1 Швейцария франки	4019,59		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи:

1 USD ▲ 3874,48 – (3846,33) | 1 EUR ▲ 4336,24 – (4316,74) | 1 GBP ▲ 4984,91 – (4933,31) | 10 JPY ▲ 350,44 – (345,61)

Инвестиция лойиҳаларини самарали амалга ошириш – энг муҳим ва долзарб вазифа

Тошкент шаҳрида 30 май куни видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ҳудудларига ташрифлари давомида ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиш ва баҳолаш масалалари кўриб чиқилди.

Йиғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Шунингдек, видеоконференция орқали Тошкент ва Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказида ташкил этилган студияларда Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари, корхоналар раҳбарлари, тадбиркор ва инвесторлар қатнашдилар.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошқарди.

Давлатимиз раҳбари инвестициялар ҳажмини изчил кўпайтириб бориш, замонавий ишлаб чиқариш объектиларини ишга тушириш мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, муҳим ижтимоий дастурларни амалга ошириш, энг асосийси, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилашнинг ҳал қилувчи омил эканини таъкидлади.

2017 йилги Инвестиция дастурига умумий қиймати 50 млрд. АҚШ долларига тенг 545 инвестиция лойиҳаси киритилган бўлиб, йил давомида 7,3 млрд. долларлик сармояларни ўзлаштириш белгиланган.

Шунингдек, 2017 йилда умумий

қиймати 2,4 млрд. долларга тенг бўлган 170 янги ишлаб чиқариш объектини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида умумий қиймати 73,5 млн. долларлик 9 лойиҳани амалга ошириш ишлари якунлангани алоҳида қайд этилди.

Инвестиция дастурига кирмаган, давлатимиз раҳбарининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри туманларига ташрифлари давомида ишлаб чиқилган, ҳудудлар миқёсида муҳим аҳамиятга эга бўлган 19 трлн. 300 млрд. сўмлик миндан зиёд йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани, бугунги кунда уларнинг 39 таси бўйича объектлар ишга туширилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, йиғилишда айрим тармоқлар ва ҳудудлар раҳбарларида масъулият, талабчанлик ва ташаббускорлик етишмаётгани, бунинг оқибатида кўпгина инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётгани қаттиқ танқид қилинди. Жумладан, шу йилнинг биринчи ярмида 10 лойиҳа бўйича объектиларни ишга тушириш мuddатлари асосиз равишда кечиктириб юборилгани, 9 лойиҳани молиялаштириш бўйича шартномалар тузиш, 10 лойиҳа юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлаш ишла-

ри пайсалга солиб келинаётгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди. Тармоқлар раҳбарлари ва лойиҳалар ташаббускорлари олдида ана шундай муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш, бу борадаги қолоқлик ҳолатларини бартараф этиш қатъий вазифа қилиб қўйилди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилмаслиги оқибатида замонавий объектиларни ишга тушириш мuddатлари кечикиши, бу эса талаб юқори бўлган маҳсулотларнинг бозорга етиб боришига, қанча-қанча одамлар, аввало, ёшларнинг иш билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, бундай ҳолатларга йўл қўйган мутасадди раҳбарларга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирди.

Йиғилишда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги сусткашлик сабабларидан бири энг куйи тизимда, яъни, ташаббускор тузилмалар ва лойиҳа институтлари даражасида тегишли ҳужжатлар етарлича пухта ишлаб чиқилмаслиги билан боғлиқ экани қайд этилди.

Ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллардан аён бўлмоқдаки, айрим истиқболсиз лойиҳаларни Инвестиция дастурига киритиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, уларнинг молиялаштириш

манбалари ва мақсадли стратегияси аниқ белгиланмаган, кутилаётган натижалар бўйича зарур ҳисоб-китоблар ишлаб чиқилмаган.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан тегишли вазирлик ва идораларга икки ой мuddатда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Инвестиция дастурини шакллантириш ва уни амалга ошириш, истиқболли инвестиция лойиҳалари базасини яратиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш юзасидан қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритиш ҳақида топшириқлар берилди.

Бу борада келгуси йил учун мўлжалланган Инвестиция дастурига фақат пухта ишлаб чиқилган, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр ва молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестиция лойиҳаларини киритишга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва ҳудудлар раҳбарларининг истиқболли лойиҳаларни шакллантириш сифати учун шахсий жавобгарлиги ва масъулиятини ошириш лозимлиги қайд этилди. Бу борада ҳар бир раҳбар ўз тармоғи ёки ҳудудини ривожлантириш бўйича аниқ устувор йўналишлар ва вазифаларни, келгуси йилларда қандай лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини ҳар томонлама чуқур билиши, яққол тасаввур қилиши шарт.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан янги назорат механизмини жорий этиш бугунги кун талабига айланган бораётган долзарб вазифа эканини таъкидлади. Ана шу механизм асосида Иқтисодиёт вазирлиги ҳар бир лойиҳа бўйича амалга оширилаётган ишларни мунтазам мониторинг қилиб, унинг натижалари тўғрисидаги ҳафталик ахборот ва таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориши керак, деди давлатимиз раҳбари.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар ҳафтада тегишли тармоқлар раҳбарлари билан мавжуд муаммолар ва қолоқлик сабабларини муҳокама қилиб, уларни бартараф этиш, лойиҳаларни амалга оширишни тезлаштириш юзасидан тегишли чоралар кўриши лозим. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси Бош прокуратура ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда ҳар ой да икки марта амалга ошириш жараёнида қандайдир муаммо пайдо бўлаётган лойиҳалар бўйича муҳокамалар ўтказиб, уларни амалий жиҳатдан ҳал этиши зарурлигига эътибор қаратилди.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар, компания ва уюшмалар, ҳокимликлар раҳбарларининг ҳисоботлари, таклифлари эшитилди ва муҳокама қилинди, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Ў.А.

Давлат бюджетининг 2016 йилдаги ва 2017 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси кўриб чиқилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мажлисда таъкидланганидек, ушбу шароитда, Давлат бюджети тасдиқланган кўрсаткичларга мувофиқ ва 132 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда профицит билан ижро этилди. ЯИМнинг ўсиши 7,8 фоизни, санат ва маҳсулотлари, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми тегишинча 6,6 фоизни ташкил этди. Бундан ташқари, аҳоли жон бошига реал ялли даромадлар 11 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдори тегишинча 15 фоизга ошди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил биринчи чорагидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш давомида депутатлар ушбу соҳадаги ишларнинг жорий ҳолатини танқидий равишда таҳлил қилдилар.

Жумладан таъкидланганидек, жаҳон бозорларида конъюнктура барқарор эмаслигини ва рақобат қулайиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни жалб этишда 2017 йилги Инвестиция дастурига киритилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-

нинг мамлакатимиз ҳудудларига сарфлари чоғида ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг сўзсиз бажарилишига биринчи даражали эътиборни қаратиш даркор.

Давлатимиз раҳбарининг парламент томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланган ташаббусига кўра Қонунчилик палатаси депутатлари ҳар ойда мамлакатимизнинг турли ҳудудларига борадилар ва 10-12 кун мобайнида жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳолини ўргандилар. Бундай амалиёт кўплаб муаммоларнинг ҳақиқий сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш имконини беради. Ўрганишлар якунлари шундан далolat берадики, уй-жой коммунал хизмат тизимидаги, транспорт ва йўл ҳўжалигидаги, аҳоли бандлигини таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларини таъминлашдаги, яъни ривожлантирилиши учун Давлат бюджетининг салкам 60 фоизи сарфланадиган ижтимоий соҳадаги камчиликлар мамлакатимиз минтақалари аҳолисини ташвишлантираётган энг долзарб масалалар ҳисобланади.

Бу борада бугунги кунда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурини ижро этиш мақсадида йўл-транспорт, му-

ҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда модернизация қилишга, соғлиқни сақлаш тизимини, таълим ва спортни такомиллаштиришга қаратилган 100 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўз навбатида, қабул қилинган қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жиддий молиявий маблағлар талаб этилади.

– Фўқаролар манфаатларини таъминлаш бевосита тадбиркорликни ривожлантиришга, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларини бажаришига, самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритишга, шунингдек, инвестициялар ҳажмини изчил кўпайтиришга боғлиқдир, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси раиси А.Шодмонов. – Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида замонавий ишлаб чиқариш объектилари фойдаланишга топширилмоқда, янги иш ўринлари яратилмоқда, бунинг натижасида мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражаси ва сифати ошмоқда. Бугунги мажлисга тайёргарлик давомида депутатлар жорий йилнинг 30 май куни Тошкентда бўлиб ўтган ҳамда ин-

вестиция лойиҳалари амалга оширилишининг боришини танқидий таҳлил этиш ва баҳолашга бағишланган видеоселектор кенгашида давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни ўргандилар ва таҳлил қилдилар.

Мажлис давомида депутатлар вазирликлар ва идоралар билан биргаликда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ижро интизомини ошириш, Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг келгуси давр учун ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга оширишда халқ депутатларининг тегишли Кенгашлари билан ҳамкорлик қилиш борасида олдинда турган аниқ вазифаларни белгилаб олдилар.

Мажлис якунларига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2016 йилдаги ҳамда 2017 йил биринчи чорагида ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
Ахборот хизмати.

Банклар иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштиришда давом этади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш механизмларини янада кенгайтириш ҳамда тижорат банкларининг кўчмас мулк объектлари негизда янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан тижорат банкларига улар томонидан аввал тақдим қилинган кредитларнинг қайтарилмаслиги натижасида мулк сифатида қабул қилинган кўчмас мулк объектлари негизда банк ва унинг бошқарув компанияларининг иштирок улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналар ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

Банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш шу йилнинг 1 июлидан бошлаб танлов савдоларида амалга оширилади ва бунда тижорат банклари ўртасида қимматли савдолари ўтказилмайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Марказий банки, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан кўчмас мулк объектларининг хатлови ўтказилди.

Натижада аввал тақдим этилган кредитларнинг қайтарилмаслиги сабабли тижорат банклари мулкига қабул қилинган кўчмас мулк объектлари рўйхати (57 та) шакллантирилди. Ушбу объектлар негизда тижорат банклари томонидан янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши кўзда тутилган.

Тижорат банклари олдидаги қарздорликларни ундириш юзасидан юришти-лаётган ижро иши яқунларига кўра, тижорат банклари томонидан янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва амалдаги ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш йўли билан келгусида улардан самарали фойдаланишга қаратилган

чоралар амалга оширилиши мўлжалланган корхоналар (94 та) сони аниқланди.

Шунингдек, ишлаб чиқариш майдонларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси томонидан тижорат банклари ва мулк эгалари билан биргаликда молиявий соғломлаштирилган корхоналар (53 та) рўйхати тузилди.

Мазкур лойиҳани 2017-2018 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган.

Шунингдек, тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси, Марказий банки томонидан кўчмас мулк объектлари негизда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш юзасидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, тижорат банклари мулкига ўтказилган кўчмас мулк объектларидан келгусида самарали фойдаланиш, корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш бўйича «йўл хариталари» ва тармоқ жадваллари ишлаб чиқилади.

Тижорат банклари ихтиёрига ўтган банкрот корхоналарнинг мулк негизда ташкил этилган хўжалик субъект-

лари стратегик инвесторларга сотилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мол-мулк солиғи, ер солиғидан имтиёзга эга бўлади. Шунингдек, улар 2019 йил 1 апрелига қадар ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва кенгайтириш учун олиб келинадиган хомашё, материал ва бутловчи қисмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинди.

Эслатиш ўринлики, ушбу фармон республикамизда тижорат банкларининг иқтисодий ночор корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кўчмас мулк объектлари негизда ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш борасида лойиҳанинг иккинчи босқичини бошлаб бермоқда. Бу лойиҳанинг биринчи босқичи доирасида (2008-2017 й.й.) тижорат банклари балансига 175 та корхона қабул қилинган бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйиш учун 659,2 млрд. сўм миқдорда инвестициялар киритилган. Фаолияти қайта тикланган корхоналарнинг 174 таси янги мулкдорларга тўловларни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, банкрот корхоналар фаолиятини жадал суръатларда тиклашга хизмат қилади.

Омонатлар ҳажмини ошириш саъй-ҳаракатлари

«Асака» акциядорлик тижорат банкида омонатчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида масофавий хизматлар доираси кенгайтирилмоқда.

Айни пайтда муассасанинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиладиган янги дастур ишга тушиш арафасида. Унда омонатчилар ўз омонатларига ҳисобланган фоизлар ҳақида хабардор бўлиб боради. Омонатлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан эса, банкда биометрик ускуналардан фойдаланиш бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда.

Булар хусусида Миллий матбуот марказида ташкил этилган анжуманда маълумот берилди. Тадбирда «Асака» банк томонидан аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Айни пайтда муассасанинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиладиган янги дастур ишга тушиш арафасида. Унда омонатчилар ўз омонатларига ҳисобланган фоизлар ҳақида хабардор бўлиб боради. Омонатлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан эса, банкда биометрик ускуналардан фойдаланиш бўйича зарурий чоралар кўрилмоқда.

Аҳоли ўртасида банки-миз омонатларидан кўпроқ



– Банк омонатлари анъанавий чакана хизматлардан бири бўлибгина қолмай, мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш йўлидаги лойиҳаларни молиялаштиришда зарур ресурсларнинг ғоят муҳим манбаи саналади, – дейди «Асака» АТБнинг Пул муомаласи ва чакана банк хизматлари департаменти бошлиғи Баҳодир Мирбобоев. – Шу борада тижорат банклари аҳолининг тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, муомаладаги эркин пул маблағларини омонатларга жалб этиш ишларини тобора кучайтирмоқда.

Бу борада банкларга Биринчи Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1090-сонли ҳамда 2015 йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2344-сонли Қарорлари ҳуқуқий асос бўлмоқда.

«Асака» банк томонидан ушбу ҳужжатлар ижроси юзасидан олиб борилаётган фаол ишлар натижасида жо-

уларнинг мuddатли турларига қизиқиши катта, – дейди Б.Мирбобоев. – Ҳисобот даврида ана шундай депозитлар салмоғи жами омонатларнинг 77 фоизини ташкил этиб, улар қолдиғи жорий йил бошига нисбатан 123 фоизга ўсган ҳолда қарийб 700 млрд. сўмга етди. Қуйи тузилмалар кесимида эса, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш чора-тадбирларида банкимизнинг Хоразм минтақавий филиали илдам бораётганини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, белгиланган мuddатларда Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондида ўтказилган маблағлар миқдори жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига 3 млрд. сўмни ташкил қилди.

«Асака» банк ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мунтазам равишда янги жозибали омонат турларини жорий этиб келмоқда. Хусусан, жорий Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан 3 та янги омонатни ишлаб чиқиб, амалдаги депозитлари сонини 39 тага етказди. Шундан 26 таси миллий валютада, 13 таси хорижий валютадаги омонатлардир.

Назира МАВЛОНОВА.

Микрокредитдан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Микрокредит бўйича асосий қарзни тўлаш имтиёзли давр тугагандан кейинги ойдан бошланади. Имтиёзли даврда фақат фоизлар ҳисобланади ва тўланади.

Қарз олувчилар кредит учун буюртмани электрон шаклда бериши мумкин.

Кредит таъминоти сифатида мол-мулк ва қимматли қозғолар гарови, банк ёки сугурта ташкилотининг кафолати, учинчи шахс кафилиги, қарз олувчи томонидан олинган микрокредитни қайтармаслик хатарининг банк фойдасига сугурта қилинган тўғрисидаги сугурта полиси каби турлардан бири тақдим этилади. Қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 20 баробаригача миқдорда ажратилган микрокредит ҳисобига олинган товарлар ҳам кредит учун таъминот сифатида қабул қилиниши мумкин.

Шунингдек, энг кам иш ҳақининг 60 бара-

варигача миқдорда бўлган микрокредитлар бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг берган кафилиги кредит таъминоти сифатида қабул қилинади.

Микрокредитга буюртмалар банк томонидан уч иш кунда қўриб чиқилади. Микрокредитлар нақд пулсиз шаклда пул ўтказиш йўли билан берилди.

Банklar микрокредитлардан фойдаланиш мuddати давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходими иштирокида микрокредитдан самарали ва мақсадли фойдаланилаётганини аниқлаш учун жойига чиқиб мониторинг ўтказиб боради.

Микрокредитдан белгиланган мақсадларда фойдаланилмаган тақдирда, тижорат банки кредит шартномасида белгиланган тартибда кредитнинг бошқа мақсадда ишлатилган қисмини қарз олувчидан мuddатидан илгари ундириб олиши мумкин.

ЕИБ Ўзбекистон бозорига киришни мўлжалламоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Европа инвестиция банки (ЕИБ) делегацияси билан бўлиб ўтган учрашувда икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаш учун тижорат банкларига кредит линиялари очиш масалалари муҳокама этилди.

Делегацияга ЕИБ вице-президенти Васил Худак раҳбарлик қилди.

Банкнинг молиялаш соҳаси энергетика, инфратузилма, атроф-муҳитни асраш ва ижтимоий тизимлар, тадбиркорлик ривожини ва инновацияни қамраб олади.

Ўзбекистон мубоқил, қайта тикланувчи энергия манбаларини барпо этиш, энергия самардорлигини ошириш ва технологиялар трансфери учун ЕИБнинг маблағларидан фойдаланишдан манфаатдор. Чунки ҳозирги пайтда ёқилғи энергетика комплекси, энергия тежамкорлигини жорий этиш соҳаларида ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари очилмоқда. Банк, шунингдек, янги технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, Ўзбекистоннинг sanoat соҳаси рақобатбардошлигини ошириш ва қўллаб-қувватлаш, мамлакат инфратузилмасини ва бошқа соҳаларни кучайтиришда тўплаган бой тажрибаларини тақдим этмоқчи.

Банк шу йилнинг июль ойида ҳукумат билан Ўзбекистон ва ЕИБ ўртасида банкнинг мамлакатимиздаги фаолиятини белгилаб берувчи битим тузишни мўлжалламоқда.

Музокаралар жараёнида Ўзбекистон ва ЕИБнинг инвестиция салоҳияти ва ҳамкорлик йўналишлари муҳокама этилди.

*Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.*

Натижа ва вазифалар таҳлили

Акциядорлик тижорат «Алоқабанк»да 2016 йил якунларига бағишланган акциядорлар мумумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Молия бозориди ўз ўрнига эга бўлган «Алоқабанк» кенг аҳоли қатлами ҳамда халқ хўжалигининг барча тармоқларида фаолият юритувчи хўжалик субъектлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга барча турдаги сифатли молия хизматларини кўрсатиб, иқтисодий ривожлантириш ҳамда халқини фаровонлигини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Банк молиявий кўрсаткичларининг ўтган йилга нисбатан ўсиши бунинг яққол далилидир. Хусусан, ҳисобот йилида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасида унинг активлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 29,3 фоизга, хусусий капитали 15,1 фоиз ва устав капитали 9,9 фоизга, соф фойдаси эса, 20,7 фоизга ўсди. Акциядорлар сони ҳисобот йили якунида 3 928 тани ташкил этди.

Кредит портфелини шакллантириш ҳамда инвестицион фаоллигини ошириш мақсадида олиб борилган саяёҳаракатлар самарасида банк кредит портфели 16,2 фоизга ўсиб, 1 101,5 млрд. сўмга етди ва жами активлар улушида 70,0 фоизни ташкил этди.

Тадбирда банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарар-

лар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқланиб, 2017 йилга мўлжалланган устувор вазифалари кўриб чиқилди. Президентимиз фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банклари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, муассасанинг барқарорлиги, капитали етарлилиги, активлари сифати, даромадлилиги ва рентабеллиги, ликвидлиги ҳамда бозордаги рискларга нисбатан чидамлилигини таъминлаш, ресурс базасини мустаҳкамлаб, унинг республикамиз иқтисодийида молиявий воситачилик роли ва инвестицион фаоллигини ошириш, чакана хизматларини модернизациялаш каби долзарб йўналишлардаги чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Қайд этиш жоиз, АТ «Алоқабанк» аҳолига инфратузилмавий жиҳатдан кенг доирада хизмат кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда 14 та филиали, 23 та мини-банки, 95 та операция касса ва 20 та халқаро пул ўтказиш шохобчасида мижозлар учун барча қулай шароитлар яратилган.

Наргуз АҲМЕДОВА.

Банкларнинг балиқчиликни ривожлантиришдаги роли

Балиқчилик хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки томонидан 116 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари ажратилди.

Балиқ маҳсулотлари фойдали микроэлементларга бойлиги билан инсон ҳаётида муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда республикамиз агросаноатида ушбу тармоқда фаолият юритувчи хўжаликларни кўпайтириш, мавжудларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тижорат банклари ҳам сафарбар қилинган.

Жумладан, «Ипотека-банк» АТИБ томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида 2016 йилда қарийб 3 минг гектар янги сунъий сув ҳавзалари ташкил этилди. Айни пайтда мазкур ҳавзалар 900 га яқин янги балиқчилик хўжаликлари томонидан бошқарилиб келинмоқда.

Хўжаликларда аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида ўтган йили 76 минг тоннага яқин балиқ етиштирилди, бу кўрсаткич 2015 йилга қараганда 16 минг тоннага кўпдир.

– Таҳлилий ўрганишлар натижасида ушбу йўналишда камчиликлар мавжудлиги ҳам аниқланди, – дейди «Ипотека-банк» АТИБнинг Қишлоқ хўжалигини кредитлаш бошқармаси Балиқчилик бўлими бошлиғи Шахбоз Худойбердиев. – Табиий сув ҳавзалари ва сунъий кўллардан самарасиз фойдаланиш балиқчилик тармоғининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Натижада сунъий кўлларнинг ҳосилдорлиги бир гектарда 20 центнердан ошмайди, бу жаҳондаги ўртача кўрсаткичлардан анча пастдир.

Мазкур камчиликларни бартараф этиш йўлида балиқчилик соҳасидаги илғор технологияларни кенг қўллаш ва балиқ етиштиришнинг юқори технологик усулларида фойдаланиш алоҳида эътиборни талаб қилади.

Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарориди тармоқни ривожлантиришда тизимли ишлар аниқ белгилаб берилди. Унга асосан балиқчилик соҳасини мувофиқлаштирувчи, мазкур йўналишдаги корхоналарнинг манфаатларини химоя қилувчи бошқарув органи – «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ташкил қилинади. Уюшма ҳудудий «Балиқсаноат» масъулияти чекланган жамиятлари ва бошқа балиқчилик



хўжаликлари томонидан таъсис этилиб, балиқчилик тармоғида аввал бўлмаган, балиқ етиштиришдан бошлаб то уни қайта ишлаш ва экспорт қилишгача бўлган босқичларни ўзига қамраб оладиган ягона тизимни яратилган кўзда тулади.

Балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ташкилий технологик жараёнларини тизимли ташкил этиш, балиқ чавоқларини такрор кўпайтириш ва озуқа базани мустаҳкамлаш, табиий сув ҳавзалари ва сунъий кўлларнинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, балиқ етиштириш жараёнига илмий асосланган усулларни ва интенсив технологияларни жорий этиш «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг асосий вазифалари ва йўналишлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, балиқчилик тармоғида илмий-тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш, илмий кадрлар тайёрлаш, илмий ва техник янгиликларни тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида Балиқчиликни ривожлантириш илмий-тажриба станцияси Балиқчилик илмий-тадқиқот институтига айлантирилди ва Айдар – Арнасой кўллар тизимида ҳамда республиканинг бошқа ҳудудларида унинг филиалларини очиш белгиланди.

Қарорда «Ипотека-банк» АТИБнинг инвестиция компаниясини ташкил этиш тақлифи маъқулланди. Ушбу тузилма тармоқ лойиҳаларини биргалликда молиялаштириш, шунингдек, маслаҳат, ахборот-таҳлил ва маркетинг хизматлари кўрсатиш йўли билан балиқчиликни ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишида кўмаклашадиган унинг улуши янгидан ташкил этилаётган ҳудудий

«Балиқсаноат» масъулияти чекланган жамиятларининг устав фондида 51 фоизни ташкил этади.

Илмий тадқиқот, селекция ва наслчилик ишларини молиялаштириш, озуқаларнинг замонавий рецептураларини ишлаб чиқиш ва балиқчилик тармоғига илғор технологияларни жорий этишда кўмаклашиш, балиқларнинг касалликларини профилактикаси ва уларни даволаш ҳамда тармоқни ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини шакллантириш мақсадида «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасида Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

«Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, унинг ҳудудий «Балиқсаноат» масъулияти чекланган жамиятларини ва уюшма таркибига кирувчи юридик шахсларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 2023 йилнинг 1 январигача уруғ, балиқ чавоқлари ва товар балиқ етиштирадиган, балиқ маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлашдан олинган даромадларидан ягона солиқ тўлови тўлашдан овоз этиш бўйича имтиёзлар берилади.

Қарорда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши балиқчилик тармоғининг барча соҳасини қамраб олувчи ва унинг жадал ривожланишини таъминловчи ягона бошқарув тизими ташкил этилишига, янги иш ўринлари яратилишига, балиқ етиштириш ҳажмини кескин кўпайтиришга, республика аҳолисининг балиқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга ва соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга кўмаклашади.

Эъзоз КАМОЛОВА.

ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИ

Халқ банки: пластик карточкалардаги қулайликлар

Маълумки, тўловларни амалга оширишда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш мижоз учун қулай тўлов воситаси ҳисобланади. Шунингдек, бу нақд пулга бўлган эҳтиёжни ҳам сезиларли даражада камайтиради. Мазкур йўналишда Халқ банки томонидан жорий йилнинг 1 май ҳолатига кўра, 3 649,3 минг дона пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, мижозлар ҳисоб-китобларни амалга ошириши учун жойларда жами 27 357 та терминал ўрнатилди. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ўзига 625 минг дона пластик карточка мижозларга очиб берилди ҳамда 4 500 дона янги мобиль тўлов терминаллари сотиб олинди, ўрнатилди.

Шунингдек, АТ Халқ банки томонидан мижозларга тўловларни амалга оширишда янада қулайликлар яратиш ҳамда юртимизнинг энг чека қишлоқ жойларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларини мобиль тўлов терминали билан таъминлаш мақсадида 2017 йил давомида 10 минг дона мобиль тўлов терминали ва 1,5 млн. дона пластик карточка сотиб олиш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилнинг 5 ойи давомида 2 250 дона янги мобиль тўлов терминали ўрнатилди. Бу борадаги ишлар давом эттирилиб, тез кунларда 4 минг донадан ортик терми-

Пластик карточкалар юртимизда тобора оммаланиб бормоқда. АТ Халқ банки томонидан ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда.



наллар жойларга етказиб берилди.

Пластик карточкалар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш мақсадида Халқ банки томонидан 2016 йилнинг декабрь ойида пластик карточкалар орқали «овердрафт» кредитини бериш йўлга қўйилди, яъни мижоз пластик карточкасида маблағ тугаганда мижоз банк билан шартномада келишилган лимит доирасида пластик карточкасида маблағ ишлатишига имконият яратилди.

– *Тадбиркорлик субъектлари ҳамда жисмоний шахсларга янада қулайликлар яратиш мақсадида жорий йилнинг март ойидан бошлаб «Indoog» виртуал терминал тўлов тизими жорий қилинди, – дейди АТ Халқ банкининг Банк карталари асосида тўлов тизимларини ривожлантириш департаменти бўлим бошлиғи Фаррух Назаров. – Ушбу тўлов тизимининг қулайлиги жисмоний шахс мақомидаги мижоз савдо ва хизмат кўрсатиш шохбчаларида тўловни ўзининг уяли*

алоқа телефони орқали тасдиқлаган ҳолда амалга оширади. Хўжалик юритувчи субъектлар банкка ариза билан мурожаат этган куннинг ўзига ушбу хизматга улаб берилди.

Шу билан бирга, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўлов тизимини янада ривожлантириш мақсадида Ягона халқаро тўлов тизими «GlobUz» жорий қилиниши муносабати билан ушбу тизимга улашиш бўйича Халқ банки томонидан тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, мижозлар томонидан банкдаги ҳисобварағини масофадан (банкка келмасдан) бошқариш, яъни мижоз уяли алоқа телефони (жумладан, мобиль қурилма) ёки интернет орқали ҳисобварағидан тўловларни амалга ошириш имкониятини берадиган интерактив хизматлар жорий қилинган.

Халқ банкининг мобиль иловаси ишга туширилиб, ушбу мобиль илова орқали барча турдаги электрон тўловларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Мазкур хизмат орқали мижозлар томонидан банкдан олинган кредитлар фоизини сўндириш ва бир пластик карточкадан иккинчи пластик карточкага пул маблағларини ўтказиш хизматларини жорий қилиш бўйича амалий ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Пластик карточкалар бозоридаги фаоллик

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатимизда 82 мингта пластик карта ишлаб чиқарилган, бу ўтган йилнинг мос давридаги кўрсаткичдан 15 фоиз кўпроқдир. 2016 йилнинг биринчи чорагида республикамизда ишлаб чиқарилган карталарнинг умумий сони 71 мингтани ташкил этган эди.

Ягона умумреспублика процессинг маркази (ЯУПМ) маълумотларига кўра, 2017 йилнинг биринчи чораги мобайнида банк пластик карталаридан фойдаланилган ҳолда 14,7 трлн. сўмлик 245 мингта транзакция амалга оширилган. Ушбу ҳолат умумий транзакциялар сони (19,2 фоиз) билан бирга, транзакциялар суммаси (47,7 фоиз) ҳам ортадан далолат беради. Жумладан, ўтган йилнинг мос даврида умумий транзакциялар сони 180 мингтани, транзакцияларнинг умумий суммаси эса 10 трлн. сўмни ташкил қилган эди.

Электрон тижорат бўйича ҳулосавий маълумотларга қараганда, 2017 йилнинг биринчи чорагида е-сотмегесе билан алоқадор транзакциялар сони 86,5 млн. тани ташкил қилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 78 фоизга кўп экани эътироф этилган. Яъни ҳисобот даврининг бир йил ав-

валги кўрсаткичларида 49 млн. та транзакция қайд этилган эди. Электрон тижорат бўйича транзакцияларнинг умумий суммаси 2017 йилнинг биринчи чорагида 16 трлн. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридаги 8,5 трлн. сўмга нисбатан 88 фоизга ўсишни қайд этди.

«Ўзкарт» БТТ фаолияти яқунларига кўра, 2017 йилнинг апрель ойи давомида DUET («оффлайн») карталари орқали амалга оширилган банклараро транзакциялар сони ва умумий суммаси бутун тизим бўйича транзакцияларнинг умумий ҳажмида 0,7 фоиз ва 0,5 фоиз, UZcard EMV («онлайн») карталари бўйича транзакциялар улуши эса мос равишда 99,3 фоиз ва 99,5 фоиз кўрсаткичини қайд этди.

Шу тариқа «Ўзкарт» тўлов тизимининг «оффлайн» платформадан «онлайн»га ўтиши қарийб ниҳоясига етди.

Бобур САТТОВОВ.

CLICKдан янги хизмат: кредитларни қайтариш имконияти

Мамлакатимизда банк-молия хизматлари бозорининг жадал ривожини кредит хизматлари кўламининг изчил ўсишини таъминламоқда. Айнан CLICK тизими ҳам ўз фойдаланувчилари учун тақдим этаётган қулайликларининг навбатдагиси банкларнинг кредит хизматларига аҳоли томонидан бўлган талабнинг ортиши билан уйғун ҳолда ишлаб чиқилди.

«Кредитни қайтариш» деб ном олган янги хизмат АТ «Алоқабанк» билан ҳамкорликда ишга туширилди. Эндиликда CLICK тизими фойдаланувчиларига бирдек қулайликлар яратиш мақсадида янги хизматни қамраб олувчи мамлакатимиз банклари сонини кўпайтириш мақсад қилинган.

«Кредитни қайтариш» хизмати банк мижозидан кредитни қулай шароитда – уйдан чиқмасдан туриб қайтариш имкониятини тақдим этади. Бунинг учун банк мижози CLICK тизимига уланган бўлиши талаб этилади.

Агар мазкур хизматнинг мобиль телефондан фойдаланиш бўйича техник жараёнларига тўхталадиган бўлсак, банк мижози мавжуд кредит тўловини амалга ошириш учун *880# ни териб, «Тўлов» бўлимига ўтади ва «Кредитни қайтариш» бандини ва банкни танлайди. Шундан сўнг кредит ID киритиш сўралади (банкдан бериладиган кредитнинг уникал идентификация рақами). Тизим ушбу кредитнинг маълумотини экранга чиқаради: қолдик, умумий суммаси ва тавсия этилган тўлов. Тўлов суммаси киритилгач, ушбу тўлов ва хизмат ҳақи тасдиқлаб олинади. Мазкур хизматдан фойдаланиш пуллик бўлиб, у тўлов суммасининг 0,6 фоизини ташкил этади. Яқин вақтлар ичида ушбу имконият CLICK мобиль иловасида ҳам яратилади.

CLICK компанияси ўз фойдаланувчиларига Telegram иловасида ҳам тўловларни амалга ошириш имконияти жорий қилинганини маълум қилди. Ушбу илованинг оммабоплигини инобатга олган ҳолда, компания ўз фойдала-



нувчилари учун махсус ботни ишлаб чиқиш, ишга туширди. Ушбу дастурда Telegram илованинг ўзидан туриб, ҳар кунги тўловларни қулай равишда амалга ошириш мумкин. Бу орқали тизим фойдаланувчилари Telegram иловасидан чиқмаган ҳолда, ҳамкасблари ва яқинлари билан бўлаётган мулоқотдан узилмасдан дарҳол керакли тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Ҳозирда бот орқали энг оммавий тўловлар – мобиль алоқа, интернет-провайдерлар, ТВ ва телефония хизматлари учун йўлга қўйилган бўлиб, улар рўйхати доимий равишда кенгайтириб борилади. Хавфсизлик масаласи ҳам четлаб ўтилмади. Бот билан мулоқотлар жараёнида карта маълумотларининг хавфсизлиги стандарти талаблари инобатга олинган.

Жасур МИРЗАЕВ.

БАНК ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ СТРЕСС-ТЕСТЛАШ АСОСИДА БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Банк тизимининг тезкор суръатларда ривожланиши шароитларида стресс-тестлаш банк таваккалчиликларини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг самарали усули сифатида янада долзарблик касб этмоқда. Ҳозирги вақтда қўплаб мамлакатлардаги банк бошқаруви мазкур усулдан фойдаланишни заруратга айлантирди.

Хусусан, республикада банк тизимининг амалга оширилаётган ислохотлари доирасида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини таъминлашнинг асосий усуллари билан бири бўлиб ликвидликнинг эҳтимолий таваккалчиликларини камайтириш ва фавқулодда вазиятларга бардошликни таъминлаш мақсадида тижорат банкларини ривожлантиришнинг турли сценарийларини моделлаштириш билан бирга уларнинг ликвид позицияларини доимий стресс-тестлашдан ўтказиш бўйича талаб ўрнатилган.

Ҳозирги вақтда стресс-тестлаш корпоратив бошқаруви такомиллаштириш ва банклар ҳамда банк тизимлари барқарорлигини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи банк таваккалчилигини бошқариш комплекс тизимининг таркибий қисмидан иборатдир. Стресс-тестлаш банк таваккалчиликларини баҳолаш дастаги сифатида нафақат турли мамлакатларнинг банк регулятори томонидан, балки бир қатор халқаро ташкилотлар (улар орасида Халқаро валюта жамғармаси, банк назорати бўйича Европа кўмитаси, банк назорати бўйича Базель кўмитаси бор) томонидан ҳам кенг қўлланмоқда. Мазкур масалага бўлган бундай алоҳида қизиқшни банк фаолиятининг кўпгина заиф бўгинларини халқаро ва маҳаллий бозорда химоясиз қилиб қўйган 2007-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқироз оқибатлари юзга келтирган.

Стресс-тестлашда экстремал ҳодисаларнинг банк фаолиятига таъсир даражаси кўриб чиқилади ва шу ҳодисалар туфайли юзга келиши мумкин бўлган зарарларни қоплаша банк капиталининг етарлилик даражаси баҳоланади.

Стресс-тестлаш моделлари баҳолаш миқдори бўйича кенг қамровли бўлиб, унда таваккалчиликларнинг алоҳида турлари (кредитли, фоизли, операцион таваккалчиликларга ўхшаш) таҳлили билан бирга турли вазиятлардаги (сценарийларда) ҳодисалар ҳисобга олиниши мумкин.

Таъкидлаш керакки, маз-

кур таҳлил усули қўлланилишининг афзаллиги унинг бўлғуси ҳодисани башорат қила олишида эмас, балки экстремал воқеликларнинг (ҳодисаларнинг) банк фаолияти самарадорлигига таъсирини ўрганишда бўлиб, бу прогнозларни рўйба чикаришда эҳтимолий заифликларни баҳолашга имкон беради ва шу орқали вазиятни тўғри тушунишни мустаҳкамлайди.

да, шунингдек, банкларнинг муайян гуруҳлари бўйича ҳам ўтказилади (тизимли-муҳим банклар; устав жамғармасида хорижий капитал улуши устувор бўлган банклар ва бошқа гуруҳлар).

Банк секторини тестлашдан ўтказишда бутун банк тизимининг барқарорлигига хавф солиши мумкин бўлган турли хил тижорат банклари учун хос бўлган заиф жиҳатлар қидирилади. Мазкур ёнда-

да қисқадир (кўп ҳолларда бир марталик ўзгаришлар баҳоланади).

Сценарийли стресс-тестлар, қоида тариқасида, одатда «портфелли» ёки «воқеали» ёндашувларга асосланади. Портфелли ёндашувда сценарийни тузиш компания портфелидаги заиф жиҳатларни муҳокама қилиш билан оддий бошланади. Мазкур заиф жиҳатлар аниқлангач, шундай эҳтимолий сценарийлар шаклланадики, уларни рўйба чикариш доирасида шу заиф жиҳатларнинг стрессли ҳолатлари юзга келади. Масалан, фоизли таваккалчилик

олинмай қолади. Ушбу камчилик гипотетик сценарийлар курилишида қисман бар-тараф этилади, бироқ бундай ёндашув кўпроқ ресурсларни талаб қилади. Экстремал сценарийда максимал йўқотишларга олиб келади-ган таваккалчилик омилларининг анчайин ноқулай бирикмаси намоён бўлади. Бу ҳолда таҳлилни ўтказишда банклар мустаҳкамлигини тавсифловчи натижадан кўра, анчайин кучли таҳдидларни ажратиб олишга ва зарур эҳтиёт чораларини кўришга ёрдам берадиган таваккалчиликларнинг қиёфаси кўпроқ аҳамиятга эгадир.

Сезгирлик таҳлилида бошқа базавий шартлар ўзгармаган шароитда таваккалчилик муайян бир омилнинг лаҳзалик ўзгариши таъсирига баҳо берилади. Бундай тестлар нисбатан тез ўтказилиб, дастлабки баҳолашни шакллантириш учун қўлланилади. Бунда олинадиган натижалар ёрқин кўринишга эга бўлади ва уларга катта устуворлик берилади, бу уларнинг амалий жиҳатдан кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Стресс-тестлашни ўтказиш учун ҳар бир банк бево-сита ўзи учун миқдорлари ўта аҳамиятли бўлган кўрсаткичларни танлаши керак. Хорижий амалиётда кўп ҳолларда куйидаги омилларнинг баҳоланиши ва таҳлили стресс-тестлашнинг объекти ҳисобланади:

донғи чиққан тарихий сценарийларнинг (масалан, 2007-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқироз) тижорат банкининг ликвидлилик ҳолати ва капиталнинг адекватлигига жорий таъсири;

банклар кредит портфели сифатининг ёмонлашуви, масалан, муаммоли активлар улушининг 15 фоизлик бандга кўтарилиши, активлар сифати таснифлашнинг бир тоифасига тушиб қолиши оқибатида;

миллий валюта курсининг пасайиши (20 фоизга девальвация, бир вақтнинг ўзида активлар сифатининг ёмонлашувидаги худди шундай девальвация);

банк инвестициявий портфелида молиявий дастакларнинг асосий турлари бўйича фоиз ставкаларининг ошиши; ликвид маблағларнинг муомаладан чиқарилиши (юрдик ва жисмоний шахслар маблағларининг 10 фоизи).



Стресс-тестлашни ўтказишнинг умумий механизми куйидаги асосий элементларни ўз ичига олади:

банк фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган муҳим таваккалчиликларни ёки омилларни аниқлаш;

эҳтимолий ҳодисаларнинг айрим кетма-кетлиги аниқланадиган сценарийнинг шаклланиши ва улар таъсир кучини баҳолаш;

банклар фаолиятига таъсир этувчи муайян таваккалчилик омилларининг амалга оширилиши оқибатларини йўналтиришга имкон берувчи услуб ёки алгоритмни аниқлаш;

миқдорий таҳлил – танланган сценарийнинг белгиланган алгоритм бўйича ривожланиши оқибатларини ҳисоб-киتاب қилиш;

олинган натижаларни талқин қилиш ва зарурат бўлганда тузатиш киритиш чораларини кўриш.

Стресс-тестлар ҳар бир банк бўйича алоҳида бўлгани каби, умуман, банк тизими бўйича бирлаштирилган тарз-

шув ўз табиатига кўра кўпроқ макроиқтисодий хусусиятга эга, сабаби тадқиқотчилар кўпинча макроиқтисодий вазиятдаги муҳим ўзгаришлар банк тизимига қандай таъсир кўрсата олишини аниқлашдан манфаатдордирлар. Бундан ташқари, тизимли ёндашувда бир турда бўлмаган портфелларни бирлаштириш ва таққослаш зарур бўлади.

Стресс-тестларни ўтказишнинг иккита асосий усулларини ажратиб кўрсатилади: сезгирлик тести ва сценарийли таҳлил. Сценарийли таҳлилда шок ҳолати ёки стрессли ҳодисанинг манбаи, худди шу шок ҳолати таъсир кўрсатадиган молиявий таваккалчиликлар параметрларида бўлгани каби аниқ белгиланган бўлади. Бунга тескари равишда сезгирлик таҳлилида шок манбаи аниқланмайди, балки молиявий таваккалчиликларнинг баҳоланаётган параметрлари аввалбошдан белгиланади. Яна бир фарқланиш: вақт бўйича имконият, бунда у сезгирлик таҳлили учун умуман олган-



Замонавий корпоратив бошқарув услублари

Миллий матбуот марказида «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган анжуман шу мавзуга бағишланди.

Мамлакатимизда Биринчи Президентимизнинг 2015 йил 24 апрелдаги «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 4720-сонли Фармониغا биноан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очқилги ва жозибадорлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролинини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси томонидан ҳам халқроқ тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ишлари босқичма-босқич олиб борилмоқда. Жумладан, 2016 йил 30 сентябрда компания корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олган. Ўз фаолиятининг очқилгини таъминлаш мақсадида жамият кудатув кенгаши томонидан «Ах-



борот сиёсати тўғрисида»ги низоом тасдиқланган.

Ҳозирги кунда компанияда чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш учун шароитлар яратиш, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб малакасини ошириш, жамият фаолиятининг очқилгини таъминлаш, халқроқ стандартлар асосида аудит ва молиявий ҳисобот ахборотини нашр қилиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Корпоратив ахборот ягона портали www.openinfo.uz ҳамда компаниянинг расмий веб-сайтида жамиятнинг молиявий ҳисоботлари, муҳим фактлар, эмиссия рисолалари ва халқроқ стандартлар асосида аудитатор хулосалари жой-

лаштириб берилмоқда. Анжуманда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида компания олдига қўйилган муҳим вазифалар хусусида ҳам атрофлича сўз юритилди.

— Компаниямизда Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, махсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, экспорт амалиётларини ҳар жиҳатдан (география ва миқдор) ривожлантириш, белгиланган шартномалар бажарилишини таъминлаш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, тизимдаги корхоналар фаолиятини модернизациялаш ишларини кучайтирмоқда, — дейди «Ўзнефтмахсулот» акциядорлик компанияси бош-

қарув раиси ўринбосари Камолiddин Усмонов. — Қўшма корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш мақсадида хорижий сармоядорлар билан музокаралар фаол давом эттирилмоқда.

Ана шундан кунда мазкур корхона технологик жиҳатдан тўла қувватга эга бўлиб, енгил ва юк автомашиналаридан қайта ишланган мойларни йиғиш ва базавий мойларни ишлаб чиқариш билан шуғулланмоқда.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Макроиктисодиётда аҳоли бандлиги кўрсаткичлари

Бугунги кунда мамлакатимиз тараккиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз, аҳоли бандлиги даражаси ҳисобланади. Зеро, муносиб ишга эга бўлиш жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаб, фуқароларнинг истеъмом қувватини оширади, ижтимоий фаоллигини юксалтириб, бунёдкорлик ишларидаги иштирокига кенг йўл очади.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш натижасида 2016 йил давомида иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони 2015 йилга нисбатан 1,8 фоизга ўсди ва ўтган йил республикамизда иш билан банд бўлганлар сони 13 298,4 минг кишини ташкил этди. Ўз ўрнида, жами иш билан банд бўлганлар таркибида давлат секторидagi бандлик улуши 17,7 фоизни (2015 йилда 17,9 фоиз), нодавлат секторида эса 82,3 фоизни (2015 йилда 82,1 фоиз) ташкил этди. Шунингдек, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши учун тўсиқларни бартараф этиш ҳамда иқтисодиётда давлат улушини камайтиришга қаратилган дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш 2016 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда иш билан бандлар улушининг жами бандлар сонига нисбатан 78,1 фоизгача (2015 йилда 77,9 фоизни ташкил этган) ўсишини таъминлади.

Бандлик бўйича юқори ўсиш суръатлари ташиш ва сақлаш (3,8 фоиз), турар жой ва оёқлатиш хизматлари (3,6 фоиз), курилиш (3,4 фоиз), ахборот ва алоқа (3,1 фоиз) ҳамда савдода (2,7 фоиз) қайд этилди. Иқтисодий фаол аҳолининг бандлик даражаси 94,8 фоизга, ўз навбатида, ишсизлик 5,2 фоизга тенг бўлди.

2016 йил декабрда Олий Мажлис Сенати 2017 йилда 900 минг кишини иш билан таъминлашни кўзда тутувчи аҳоли бандлиги дастурини маъқуллади. Дастурга кўра, мунтазам иш ўринларида 389,3 минг кишининг бандлиги, мавсумий ва вақтинчалик иш билан 200 минг киши таъминланади. Шунингдек, шахсий ва деҳқон хўжаликлари, хунармандлик ва оилавий тадбиркорлик йўналишларида иш билан банд бўлмаган 309 минг нафар аҳолини иш билан таъминлаш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш ва такомиллаштириш бўйича ишларнинг тизимли асосда давом эттирилиши меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини, илк мартаба меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ишга жой-

лаштиришни ҳар томонлама, сифатли ва объектив таҳлил қилиш, иш билан бандлик даражасини оширишда келажак учун замин ҳозирлайди. Бу эса, аёнага кўра ҳар йилги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш ва амалиётдаги самарадорлигини янада ошириш имконини беради.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, жорий йилнинг 23 майида давлатимиз раҳбари томонидан «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон қабул қилиниб, Ўзбекистон меҳнат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига айлантирилди. Бу мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада аниқ, изчил ва самарали амалга ошириш, бандлик соҳасида давлат сиёсатини янги жорий этиш, давлат ва хусусий тадбиркорлик ўртасидаги ҳамкорликка асосланган меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашда самарадор чора-тадбирларни бажаришга шароит яратади.

В.НУРИТДИНОВА,
ТМИ ўқитувчиси,
Ш.САТТОРОВ,
ТМИ талабаси.

Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, стресс-тестларнинг катта қисми сезгирлик таҳлилидан иборатдир. Уларнинг жуда кам қисми эконометрик моделларга асосланади, мавжуд моделлар эса инфляция прогнози моделлари билан солиштирилганда анчайин оддий кўринади. Валюта таваккалчиликларининг билвосита эффектлари ва зарраланиш моделларини киритиш анча кам учрайди.

Стресс-тестлаш жараёнида олинган миқдорий натижалар эҳтимолий йўқотишларнинг бор-йўғи тахминий баҳоси ҳисобланади ва улarga инқирозли вазият ривожланган тақдирда заифлик даражасининг аниқ прогнози сифатида қаралмаслиги лозим. Стресс-тестлаш фақатгина банк секторининг барқарорлик даражасини анчайин тўлиқроқ тавсифлашга имкон берувчи ахборотни тақдим этади, бу эса унинг аҳамиятини оширади, лекин уни таҳлилнинг асосий дастагига айлантормайди. Стресс-тестлашни қўллашнинг йўналишларидан бири — риск-менежерлар билан банкларнинг юқори раҳбарияти ўртасида зарурий коммуникация воситасини ҳисобланганидан унинг натижаларидан фойдаланиш ҳисобланади. Стресс-тестлаш тартиб-таомиллари ва натижалари риск-менежмент амалиётининг ажралмас қисмини ташкил этади.

Юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистонда ҳам банк фаолиятининг барқарорлигини янада самаралироқ баҳолаш усули сифатида стресс-тестлашни жорий этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда. Белгиланган талабларга мувофиқ республикамиздаги тижорат банклари турли хил стресс-ли вазиятларни назарда тутувчи сценарийларни доимий асосда моделлаб боришлари лозим. Бундан кўзланган асосий мақсад стрессли вазиятларда тижорат банкларнинг фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаб туришга ёрдам берувчи зарурий капитал етарлилиги даражаси ва ликвидликни таъминлашдан иборатдир. Шу билан бирга, стресс-тестлашнинг жорий этилиши банкларга олдидан огоҳлантириш, масалан, капитал етарлилиги мажбурий меъёрининг барқарор пасайиши, кредит портфелида муаммоли кредитлар улушининг анча ўсиши, таҳлил қилинаётган даврда миқозларнинг доимий тарзда кетиб қолиши билан боғлиқ бўлган огоҳлантиришларнинг самарали тизимини ишлаб чиқишга имкон беради.

Низомидин МУРОДОВ.

Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

Паспортларни ҳисобга олиш ва йўқ қилиш ким томонидан амалга оширилади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 майдаги ПФ-5061-сонли фармони билан Ўзбекистон фуқароларининг биометрик паспортлари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларини ҳисобга олиш ва йўқ қилиш тартиби белгиланди. Ҳужжат матни давлат раҳбарининг расмий сайтида эълон қилинди.

Маълумот учун: ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга кўра биометрик паспортларни йўқ қилиш Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказида амалга оширилади.

Фармон билан шундай тартиб жорий қилиндики, унга

кўра биометрик паспортлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатланиш ҳужжатларини ҳисобга олиш ва йўқ қилиш:

- уларни тайёрлаш чоғида яроқсиз ҳолга келганлари ва алмаштириш учун ИИО миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиминлари ва ТИВ консуллик бошқармаси-

дан қайтарилганлари – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказида;

- муддати ўтган ва ҳақиқий эмас деб топилганлари – ИИО миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиминлари ва ТИВ консуллик бошқармасида амалга оширилади.

Хусусий электростанциялар пайдо бўлади

Президентимиз томонидан 2017 йил 26 майда «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарор имзоланди.

Ҳужжат билан тасдиқланган Дастур, шу жумладан, қайта тикланувчи манбалардан энергия ишлаб чиқарувчи электростанцияларни қуриш учун инвестицияларни жалб этишни ҳам кўзда тутди.

Лойиҳаларнинг ташаббускорлига кўмак кўрсатилади.

Хусусан, ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри, архитектура ва қурилиш қўмиталари лойиҳалар ташаббускорларига ер участкаларини ажратишда ва лойиҳа ташаббускорлари муносабатларига асосан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи ускуналарни қуриш лойиҳаларини ваколатли давлат органлари билан «ягона дарча» тамойили орқали келишида кўмаклашади. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи ускуналарни қуриш ва фойдаланишга топширишда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш муддатларига риоя этилиши юзасидан назорат таъминланади.

Хусусий электр ишлаб чиқарувчилар ягона электр тизимига уланади ва шу тариқа энергияни сотишлари мумкин бўлади. Қуйидагилар белгиланган:

- белгиланган қувватлари тегишли равишда 0,2 МВт ва 30 МВт бўлган микро ва кичик гидроэлектростанциялар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, электр энергияси ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, қайта тикланувчи энергия манбаларидан ва иккиламчи энергетик ресурслардан фойдаланган ҳолда энергия ишлаб чиқарувчилар ягона электр энергетикаси ва электр энергияси истеъмолчиларининг тармоқларига қонунчилик талабларига мувофиқ блок-станциялар шартларида улаштирилиши мумкин;

- қайта тикланувчи энергия манбалари ва иккиламчи энергетик ресурслардан фойдаланадиган қурилмалар ягона электр энергетикаси тизими операторининг диспетчерлик графигада электр энергиясини сотиб олиш бўйича қазилма ёқилгиларидан фойдаланадиган энергия ишлаб чиқарувчи қувватларга нисбатан устуворликка эгадир;

- мавжуд электр тармоқларини реконструкция қилиш ва (ёки) кенгайтириш учун қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини (қурилмаларини) улаш билан боғлиқ харажатлар ушбу тармоқ эгалари томонидан, ягона электр энергетикаси тизимига улаш нуқтасигача эса – қайта тикланувчи энергия манбаларидан энергия ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади;

- ягона электр энергетика тизимига етказиб берилаётган қайта тикланувчи энергия манбаларидан («Ўзбекидидроэнерго» АЖ ташкилотларидан ташқари) ишлаб чиқарилган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар амалдаги тариф қийматида (қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олмай ҳолда), ягона электр энергетика тизими бўйича электр энергияси бирлигини етказиб бериш таннархига камайтирилган қийматда, шунингдек, ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг электр энергияси бирлигини тақсимлаш ва сотиш қийматига камайтирилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари «Ўзбекэнерго» АЖ ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда, қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергия ишлаб чиқарувчи истеъмолчилардан электр энергия сотиб олиш бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлиши.

Бу муҳим! Вазирлар Маҳкамаси томонидан Президентимизнинг 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891-сонли фармойиши билан ташкил қилинган Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш Комиссияси билан келишилган ҳолда тасдиқланадиган рўйхатга асосан, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Дастурга киритилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун четдан олиб келинадиган технологик ускуналар, хомашё, материаллар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, технологик ҳужжатлар 2022 йилнинг 1 январигача божхона тўловларидан (божхона йиғимлари бундан мустасно) озод қилинади.

Мажбурий ижро бюросига газ ҳисоблагичларини текшириш учун кўчма лабораториялар берилди

Президентимиз томонидан 2017 йил 30 майда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3016-сонли Қарор имзоланди.

Эслатиб ўтамиз, Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда – Бюро) Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сонли фармони билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментини тугатиш йўли билан ташкил этилди.

Ҳужжат билан Бюро марказий аппаратининг ташкилий-штат тuzилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлиmlларининг намунавий тuzилмалари, Бюро тўғрисидаги Низом, Бюрода хизматни ўташ тўғрисидаги Низом, ЯТС бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари тасдиқланди.

Бюрога Президент томонидан тайинланган ва озод этиладиган директор бошчилик қилади. Бюро директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт таъминоти шарт-шароитлари бўйича Бош прокурорнинг ўринбосарига тенглаштирилади.

Бюронинг бошқаруви ва ишлаб чиқариш ходимларининг чекланган сони 9 172 нафар, шу жумладан, марказий аппаратда 104 нафар, шундан 1 301 нафари Давлат бюджетидан, 7 871 нафари Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Эслатиб ўтамиз, Жамғарманнинг шаклланиш манбалари қуйидагилар:

- республика истеъмолчиларига энергия ресурсларини сотишдан тушган маблағларнинг 10 фоизи;

- ваколатли органлар томонидан олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкларни сотишдан, шунингдек, қарздорнинг мол-мулкни сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини (давлат божидан ташқари) ундиришдан тушган маблағларнинг 8 фоизи;

- давлат ижрочилари томонидан ундирилган ижро йиғими маблағларининг 80 фоизи;

- Бюро ходимлари томонидан қўлланилмайдиган ва ундирилмайдиган жарималар суммасининг 80 фоизи;

- қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Уч ой муддатда Бюро ва унинг ҳудудий тuzилмаларини юклатилган вазифаларни юқори ва профессионал даражада бажарилишини таъминлай оладиган малакали кадрлар билан, шу жумладан, «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АК, шунингдек, тугатилаётган Суд департаменти ходимлари таркибидан тўлдирилади.

Эслатиб ўтамиз, Президентимизнинг 2017 йил 29 майдаги ПФ-5059-сонли фармони билан «Ўзбекэнерго» АЖнинг истеъмолчилар билан ишлаш бўйича 6 562 та электромонтёр штат бирикларини ҳамда «Ўзтрансгаз» АКнинг табиий газни ҳисобга олиш ва реализация қилиш бўйича 4 255 та назоратчи штат бирикларини қисқартириш кўзда тутилган.

Бюрога тугатилган Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлардан ишга қабул қилинган ходимларга даражали унвонлар берилиши Бош прокурор томонидан ҳал этилади. Даражали унвонга эга Бюро ходимлари прокуратура органлари ходимлари ҳисобланади ҳамда уларга прокуратура органлари ходимлари учун белгиланган имтиёзлар, моддий ва ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари татбиқ этилади.

Бу муҳим! «Ўзстандарт» агентлигига Бюрога табиий газ истеъмолчи ҳисобга олиш ускуналарининг яроқлилик ҳолатини мониторинг қилиш мақсадида кўчма лабораториялар учун тегишли рухсат берувчи ҳужжатлар тайёрлашни таъминлаш топширилди.

Бюронинг манзилига ҳам аниқлик киритилди: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Халқобод кўчаси, 3-муюлиш, 2а уй (собиқ Суд департаменти биноси).

Европалик стратегик ҳамкорлар билан учрашув

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Тошкентда Ўзбекистон – Германия бизнес-форуми ва кооперация биржаси ўтказилди.

Икки мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги соҳасига масъул вазирлик ва идоралари, агросаноат учун техника ва технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган фирма ва компаниялари вакиллари иштирокидаги мазкур тадбирда Германия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим савдо-иқтисодий ҳамкорларидан эканлиги, икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш йил сайин ўсиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Хусусан, 2016 йилда мамлакатларaro савдо-сотиқ 520 млн. АҚШ долларидан ошган. Икки томонлама молиявий ва техникавий ҳамкорликнинг умумий ҳажми қарийб 330 млн. еврони ташкил қилди. Ўзбекистонда Германия инвесторлари иштирокида 110 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. «MAN», «Claas», «Lemken», «Knauf» каби дунёга машҳур немис компаниялари шулар жумласидан бўлиб, улар билан ҳамкорликда ташкил этилган корхоналарда турли русумдаги юк автомобиллари, замонавий қишлоқ

хўжалиги техникаси, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистондан Германияга енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, ноорганик қимм маҳсулотлари, мис буюмлар экспорт қилинади, транспорт ва сайёҳлик хизматлари кўрсатилади.

– *Мақсадимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида Ўзбекистон – Германия муносабатларини янада ривожлантиришдан иборат, – деди Германия Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги федерал вазирлигининг савдо департаменти раҳбари Аксел Липински. – Юртингизда қўшма корхоналарга барча имкониятлар яратилгани биз учун айни мuddао. Мазкур ўзаро танишув учрашувида икки томонлама келишувга ҳам улгурдик.*

Форумда хорижлик меҳмонлар ўз хизматларининг тақдимотини ўтказди. Экин экиш, ғаллага ишлов бериш ва ўриш комбайнлари, чорвани парвариллаш технологиялари ҳақида иштирокчиларга маълумотлар берилди. Шу-



нингдек, бизнес мулоқотда мева-сабзавотларни етиштириш, қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, четга экспорт қилиш, замонавий корхоналарни ташкил этиш бўйича комплексларни барпо этиш юзасидан ҳам масалалар муҳокама этилди.

Германиялик ишбилармонларга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида

амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида маълумот берилди. Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, чуқур қайта ишлаш, сақлаш, қадоқлаш ва экспорт қилиш бўйича мажмуалар қуриш, замонавий қўшма корхоналар ташкил этиш, соҳага ноу-хауларни кенг жорий этишга оид масалалар муҳокама қилинди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

Ўзбекистон Ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирларда Франция, Италия, Германия, Бельгия, Голландия, Беларусь, Россия, Хитой, Жанубий Корея сингари ўн бешдан зиёд давлатдан 50 дан зиёд компания иштирок этди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мева-сабзавотларни етиштириш ва қайта ишлашда инновацион ечимлар ва замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш ва пировардида аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада неча йилдири, «Uzbekistan Agrotech Expo» ва «Uzbekistan Agromash Expo» кўргазмалари мазкур устувор вазифалар ижросида муҳим роль ўйнапти.

Жорий йилги кўргазмалар экспозицияси ихчам линиялар, қадоқлаш технологиялари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик ва боғдорчилик ускуналари, чорва учун ем тайёрлаш жиҳозлари, ўсимликлар химояси учун қиммий моддалар, терини қайта ишлаш, иссиқхона хўжалиklarини ташкил этиш каби юзга яқин йўналишни қамраб олди.

Ўзбекистоннинг етмишдан зиёд компанияси ўз стендаларида қишлоқ хўжалиги учун минитехнологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқариш борасида мамлакатимиз

Кўргазмалар агросаноатни модернизациялашга хизмат қилмоқда

«Ўзэкспомарказ»да агросаноат комплекси учун замонавий асбоб-ускуналар ва технологияларнинг «Uzbekistan Agrotech Expo – 2017» XII ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналарининг «Uzbekistan Agromash Expo – 2017» VI халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари бўлиб ўтди.



миз салоҳиятини кенг намойиш этди. Мева-сабзавот ва кўкатларни қуритиш камералари, паррандачилик инкубаторлари, қадоқлаш-ўраш жиҳозлари, чизель-культиватор, энг чекка ҳудудлардаги объектларни ҳам электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш учун мўлжалланган қуёш фотоэлектр ва шамол электр станциялари хорижлик меҳмонлар эътиборини жалб этмоқда.

– *Юртимизда қуёш, шамол, биомасса ресурслари ва бошқа энергия турларидан фойдаланиш бўйича кенг имкониятлар мавжуд, – дей-*

ди «Кучлиниш ва қувват» МЧЖ раҳбари Абдулҳафиз Кўчқоров. – Қуёшли кунлар, шамол мунтазам эсиб турадиган очик ҳудудларнинг кўпчилиги мўқобил энергия манбалари орқали иқтисодиёт тармоқларини ҳамда аҳолини узлуксиз энергия билан таъминлаш имкониятини кенгайтириб, атроф-муҳитга чиқарилаётган зарарли чиқиндиларни камайитириш ва иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади. Хусусан, ўтган йилларда чегара қўшинлари учун тоғли ҳудудларда бешта, бу йил эса учта қуёш станцияси қурилди.

Бундан ташқари, тиббий клиникалар, шифохоналар, мактаблар билан ҳам кенг ҳамкорликка эгамиз. Мўқобил энергия ишлаб чиқарувчи ускуналарнинг 5-6 хили мавжуд. Талабга кўра, уларнинг ҳажмини ва қувватларини ўзгартиришимиз мумкин. Мисол учун, энг кичик мини-станциянинг қуввати 300-500 ватт бўлиб, у хонадонларга ўрнатилганда қуёш ботгандан кейин ҳам захира ҳисобидан 5-6 соат телевизор кўриш ва бир нечта хонани ёритишга етади.

Бугунги кунда деҳқон ва фермерларимиз бир вақтнинг

ўзида тадбиркор ҳам саналади. Чунки ўзлари етиштирилган маҳсулотларни қайта ишлаб, жаҳон бозоригача чиқмоқда. Улар қўлга киритаётган имконият ва ютуқлар машаққатли меҳнати, қолаверса, замонавий минитехнологиялар ҳамда хориждан келтирилаётган унумдор кўчат-уруғлар, зотдор чорва моллари ҳисобига юзга келмоқда.

– *Асосан озуқа экинлари уруғларини четдан олиб келиб, иссиқхоналарда кўпайтирган ҳолда деҳқонларимизга таклиф қиламиз, – дейди кўргазма қатнашчиси Нодир Маъмиров. – Бу борада Сербия, Венгрия, Италия, Туркия давлатларида доимий ҳамкорларимиз мавжуд. Биз тавсия қилаётган уруғлар барча талабларга жавоб беради: ҳосилдор, касалликларга қарши курашувчан. Кўргазманинг дастлабки кунда 150 млн. сўмлик шартнома тузишга эришдик.*

«Uzbekistan Agromash Expo – 2017» халқаро кўргазмасида «Агрегат заводи» ва «Чирчиқ-қишлоқмаш» акциядорлик жамиятлари таркибидаги корхоналар, «Case New Holland», «Class», «Lemken», «Amkodor» ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг 70 дан ортиқ турдаги маҳсулоти намойиш этилди.

Кўргазмада фермерлар ва кичик бизнес вакиллари учун шу ернинг ўзида тижорат банклари, лизинг ва суғурта компаниялари томонидан консалтинг ва молиявий хизматлар кўрсатишга шaroит яратилди.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

«Тошкент» РФБдаги биржа савдолари шарҳи, 2017 йилнинг I чорагида

2017 йилнинг тўрт ойи якунига кўра, «Тошкент» республика фонд биржасида тузилган битимлар сони 733 тани ташкил этди (2016 йил 4 ойда 1 377 та битим тузилган эди).

Қимматли қоғозлар биржа айланмаси ҳажми 22,1 млрд. сўмга етди (2016 йил 4 ойда 90,3 млрд. сўм эди).

Ҳисобот даврида 54 та акциядорлик жамиятининг жами 147,6 млн. дона қимматли қоғозлари реализация қилинди.



Ҳисобот даврида қимматли қоғозлар битимлари куйидаги йўналишларда тузилди:

Ягона дастурий-техник мажмуа акциялари бозорига куйидаги тармоқларда:

- асосий йўналиш («Main Board») – 19,0 млрд. сўмлик 657 та битим;
- жисмоний шахслар учун клирингсиз битимлар бўйича («NC Board») – 0,05 млрд. сўмлик 75 та битим;

биржанинг амалдаги савдо тизимида: акциялар пакети савдоси бўйича тармоқларда (блок-трейдинг) – 3,1 млрд. сўмлик 1 та битим.

Қимматли қоғозлар биржа айланмасининг халқ ҳўжалиги асосий тармоқлари кесимидаги таркиби куйидагини ташкил этди:

- биржа айланмасида иқтисодиётнинг молиявий тармоқ корхоналари улуши 53,3 фоиз ёки 11,8 млрд. сўмга тенг бўлди, шу жумладан, банкларнинг биржа айланмасидаги улуши 47,5 фоиз ёки 10,5 млрд. сўм ва суғурта компаниялари 1,3 млрд. сўм (5,8 фоиз)ни ташкил этди. 2016 йилнинг тўрт ойида биржа айланмасида молиявий тармоқ улуши 56,9 фоиз ёки 51,4 млрд. сўмга тенг эди.


- агросаноат мажмуаси улуши – 12,0 фоиз ёки 2,6 млрд. сўм (2016 йилнинг тўрт ойида 4,0 фоиз ёки 3,6 млрд. сўм);
- саноат тармогининг биржа айланмасидаги улуши – 0,5 фоиз ёки 0,1 млрд. сўмга етди (2016 йилнинг шу даврида 8,3 фоиз ёки 7,5 млрд. сўм);

- қурилиш корхоналари улуши – 1,6 фоиз ёки 0,4 млрд. сўм (2016 йилнинг 4 ойда 0,6 фоиз ёки 0,6 млрд. сўм)ни ташкил этди.

Фаоллик қайд этилган инвесторларнинг таснифи куйидагини ташкил этди:

Биржа айланмасида киритилган инвестициялар ҳажми бўйича энг кат-

1-диаграмма.
Инвесторлар кесимида биржа айланмасининг таркиби, 2017 йил январь-апрель ойларида



та улуш юридик шахсларга тегишли бўлди, яъни биржа айланмаси умумий ҳажмидан 63,1 фоизи ёки 13,9 млрд. сўми юридик шахсларга тегишли бўлди. Улар орасида хорижий инвесторлар улуши 13,9 фоиз ёки 3,1 млрд. сўмга етди.

Ҳисобот даврида жисмоний шахсларнинг инвестициявий фаоллиги ўсиши кузатилди, уларнинг биржа айланмасидаги улуши 36,9 фоиз ёки 8,2 млрд. сўмга тўғри келди (2016 йилнинг 4 ойда жисмоний шахс – инвесторлар улуши 20,6 фоиз ёки 18,6 млрд. сўм эди).

Инвестицияларнинг тармоқлар кесимидаги таҳлили шуну кўрсатдики, ўтган даврда жисмоний шахс – инвесторлар томонидан молиявий тармоқ қимматли қоғозларига нисбатан катта ишонч билдирилган. Жисмоний шахслар инвестициялари умумий ҳажмида бу соҳа улуши 90,0 фоиздан иборат бўлди. Улардан 88,9 фоизи тижорат банклари қимматли қоғозларига, шунингдек, 1,1 фоизи суғурта компанияларига тўғри келди.


Юридик шахс – инвесторлари ўртасида энг катта ишонч бошқа тармоқлар қимматли қоғозларига нисбатан билдирилди. Юридик шахслар инвестициялари умумий ҳажмида уларнинг соф улуши 46,4 фоиз, молиявий тармоқ улуши 31,8 фоиз ва агросаноат улуши 18,9 фоизни ташкил этди.

«ТОШКЕНТ» РФБ БИРЖАВИЙ КОТИРОВКАСИ РЎЙХАТИГА КИРИТИЛГАН КОМПАНИЯЛАР ШАРҲИ

Биржанинг асосий вазифаларидан бири – бу биржавий котировка рўйхати таркибига республикадаги энг молиявий барқарор ва ликвидли акциядорлик жамиятларини киритиш ҳисобланади.

2017 йил аввалида биржавий котировка рўйхатида 191 та компания мавжуд эди. Жорий йилнинг ўтган дав-

2-диаграмма.
Биржа айланмасининг тармоқлар бўйича таркиби, 2017 йил январь-апрель ойларида



ри давомида бу рўйхатга 5 та янги компания киритилди. 11 та компания эса рўйхатдан чиқарилди. Натижада 2017 йил 30 апрель ҳолатига кўра, биржавий котировка рўйхатидан

185 та акциядорлик жамиятлари ўрин олди (2016 йил 30 апрель ҳолатига кўра, бу кўрсаткич 306 та АЖни ташкил этган эди).

Биржавий котировка рўйхатида турувчи акциядорлик жамиятлари тоифаси кесимида таҳлил қилинганида, «А» тоифаси талабларига мувофиқ фаолият юритувчи АЖлар сони 24 тани, «В» тоифадагилар сони 26 тани, «С» ва «Р» тоифадагилар сони 104 ва 31 тани ташкил этганини кўриш мумкин.

Демак, аксарият АЖлар «С» тоифасидаги талабларга мувофиқ фаолият юритади. Яъни устав сармоясига миқдори эмитент давлат рўйхатидан ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган айирбошлаш курсига кўра 400 минг АҚШ долларини ташкил этувчи, шунингдек, сўнги икки молиявий йил якунида ижобий молиявий натижага эришиб келаётган компаниялар кўпчилигини ташкил қилмоқда.

Компаниялар листинги таркибидан тижорат банклари, суғурта компаниялари, нефть ва газ саноати корхоналари, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, агросаноат мажмуалари, энергетика, металлсозлик ва бошқа тоифадаги муассасалар ўрин олган.

Биржа котировкаси рўйхатига киритилган компанияларнинг тармоқлар бўйича таркиби, 2017 йил 30 апрель ҳолатига кўра

№	Тармоқ	АЖлар сони	АЖлар улуши
1	«Ўзбекнефтегаз» МХК	40	21,62 фоиз
2	Давлат бошқаруви органлари ва ҳўжалик юритувчи ташкилотлар таркибига кирмайдиган субъектлар	24	12,97 фоиз
3	Банклар	21	11,35 фоиз
4	«Ўзпахтаёғ» АЖ	15	8,11 фоиз
5	«Ўзбекэнерго» ДАК	10	5,41 фоиз
6	Жойларда маҳаллий ҳўкмимликлар томонидан таъсис этилган юридик шахслар	8	4,32 фоиз
7	«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ	7	3,78 фоиз
8	«Дори-дармон» АК	7	3,78 фоиз
9	«Ўзгарокиммёхимия» (С) АЖ	6	3,24 фоиз
10	«Ўзқурилишматериаллари» АК	6	3,24 фоиз
11	«Ўзэлтехсаноат» АК	5	2,70 фоиз
12	«Ўзвинсаноат-холдинг»	5	2,70 фоиз
13	«Ўзспиртсаноат» АЖ	5	2,70 фоиз
14	«Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси	5	2,70 фоиз
15	«Ўзкимёсаноат» АК	4	2,16 фоиз
16	«Ўзавтосаноат» АК	2	1,08 фоиз
17	Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги	2	1,08 фоиз
18	«Ўзпахтасаноат» АЖ	2	1,08 фоиз
19	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги	2	1,08 фоиз
20	Олмалик ДМК АЖ	1	0,54 фоиз
21	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1	0,54 фоиз
22	«Ўзқишлоқҳўжалиқмашинизинг» акциядорлик лизинг компанияси	1	0,54 фоиз
23	«Ўзмаҳсурутсувқурилиш» АК	1	0,54 фоиз
24	Давлат суғурта компаниялари	1	0,54 фоиз
25	Ўзбекистон Республикаси товар-хوماшё биржаси	1	0,54 фоиз
26	«Давархитектқурилиш»	1	0,54 фоиз
27	«Ўзметкомбинат» АЖ	1	0,54 фоиз
28	«Шарқ» НМАК	1	0,54 фоиз
	Жами	185	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВА/ЁКИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҚАРОРЛАРИГА КўРА БИРЖА САВДОСИДА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА ДАВЛАТ АКЦИЯЛАРИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги 2340-сонли қарори ижроси доирасида 2017 йил 30 апрель ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБ савдосида 22 та АЖларнинг умумий қиймати 69,5 млрд. сўм ва 53,4 млн. АҚШ долларлик қимматли қоғозлар мажмуаси тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 августдаги 252-сонли қарорига асосан 2017 йил 31 март ҳолатига кўра, «Тошкент» РФБ савдоларида умумий қиймати 15,3 млрд. сўмлик ва 469,9 млн. АҚШ долларлик 39 та АЖларнинг акциялар пакети тақдим этилган.

Ҳўкуматнинг юқоридаги қарори ижроси доирасида биржа савдоларида хорижий инвесторларга тегишли 52 та АЖнинг умумий қиймати 42,6 млрд. сўмлик, 38,5 млн. АҚШ долларлари ва 45,7 минг еврога тенг акциялар пакети сотилди.

Энг йирик савдолар ҳажми бўйича эмитентлар ТОП-10лиги

Эмитент номи	Тармоқ	Ҳажми, млрд. сўмда
«Туркистон» ХАТБ	Банк	4,5
«Asia Alliance Bank» АТБ	Банк	4,3
«Farg'ona go'sht-sut savdo»	Ўзунгуржисавдоинвест	3,2
«Qurilishmashlizing» АЖ	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	3,1
«Qo'qon yog'-moy» АЖ	«Ўзпахтаёғ» АЖ	2,6
«ALSKOM» СК	Ташкилотлар тузилмаси таркибига кирмайдиган субъектлар	1,3
«Ипотека-банк» АТИБ	Банк	0,8
«Marg'lon Fayz savdo kompleks» АЖ	Ташкилотлар томонидан таъсис этилган юридик шахслар	0,4
«Qizilqumsement» АЖ	Ўзқурилишматериаллари	0,3
«Kapitalbank» АТБ	Банк	0,3

САМАРАЛИ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ – БАНК ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ГАРОВИ

Банкларга юқори даражадаги таваккалчиликларни келтириб чиқарувчи янги молиявий воситаларнинг кўпайиши билан корпоратив бошқарувнинг аҳамияти кучайиб бормоқда. Банк ичидаги ҳамда умуман банк тизимидаги турли хил таваккалчиликлар борган сари мураккаблашиб бормоқда. Бу каби таваккалчиликларни бошқариш ҳамда кучли рақобатбардошликка дош бериш мақсадида ҳар бир банк ўзига хос, самарали корпоратив бошқарув усулини жорий этишга ҳаракат қилади.

Бугунги кунда халқаро ҳам-жамиyat томонидан корпоратив менежментни ҳар томонлама такомиллаштиришга хизмат қилувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аввало, бу борада Иқтисодий ҳамкорлик тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)га аъзо мамлакатлар томонидан олиб борилаётган фаолият ҳақида сўз юритиш лозим. Ташкилот ташаббуси билан 1999 йил май ойида ИХТТ Кенгаши вазирларнинг навбатдаги йиғилишида «ИХТТ доирасида корпоратив бошқарув асосий тамойиллари» ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Мазкур ҳужжатда асосан акциядорлар ва уларнинг муҳофазаси, корпоратив бошқарув объектларини бошқаришга алоқадор масъул шахсларнинг ўрни, корпоратив бошқарув объектлари фаолиятининг шаффофлиги ва ижрочи маъмурият (бошқарув)нинг мажбуриятлари, жумладан, компаниялар эгалари ва унинг юқори раҳбарлари эртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақида сўз юритилган.

ИХТТ ҳаракатлари натижаси кенг жамоатчилик томонидан қизиқиш билан ўрганилди ва кўплаб мамлакатларда кўллаб-қувватланди ҳамда корпоратив бошқарувнинг миллий шакллари ишлаб чиқишда ушбу ҳужжатдан намуна сифатида фойдаланиш одат тусига айланди. Аини пайтда ишлаб чиқилган тартиб ва қоидаларнинг амалда ишлайётганини мувофиқлаштирувчи давлат ва жамоат ташкилотлари тузилмаларини такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилаётир.

Сўнги йилларда бозорда корпоратив бошқарув бўйича турли йўриқномалар ва кодекслар юзага келган бўлиб, уларнинг айримлари Япония, Франция, Германия, Испания ва Голландия сингари давлатларда муваффақиятли қўлланилмоқда. Корпоратив бошқарув маданиятини такомиллаштириш бўйича тадбирлар нафақат ИХТТга аъзо мамлакатлар, балки Ҳиндистон, ЖАР ва Малайзия сингари мамлакатларнинг ишбилармонлари доирасида ҳам амалга оширилмоқда.

Банкларнинг мижоз-компаниялар билан узоқ муддатли ва ақин алоқа ўрнатилиши ҳисобига корпоратив бошқарув тизимида банкларнинг ро-

Корпоратив бошқарув банклар фаолиятини назорат қилиш ва бошқаришнинг алоҳида тизимини ўзида ифода этади. Корпоратив бошқарув ташкилий тузилмани шакллантиради. Бу тузилма ёрдамида эса компаниянинг турли иштирокчилари, хусусан, бошқарувчи, акциядорлар ва бошқа масъул шахсларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий вазифалари белгилаб олинади.



Аини пайтда таъкидлаш лозим, компаниялар фаолиятини тартибга солишга қаратилган чора-тадбирлардан қатъи назар, кўплаб мамлакатларда банкларнинг ўзи корпоратив бошқарувнинг аъъанавий вазифаларига оид имкониятларини қайта кўриб чиқади.

Жаҳон тажрибаси билан тўпланган банк корпоратив менежментининг умумий хусусиятлари Базель кўмитасининг «Кредит муассасаларида корпоратив бошқарувнинг такомиллаштирилиши» банк назорати бўйича тавсияномаларида ўз аксини топди.

Қабул қилинган ҳужжатда ИХТТнинг ёндашуви мужассам, яъни «корпоратив бошқарув банкнинг ижрочи раҳбари, унинг кенгаши, акциядорлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар доирасини белгилаш»га оид тамойилдан фойдаланилган... Шунингдек, «корпоратив бошқарув банкнинг ўз манбаларидан самарали фойдаланишни рағбатлантирувчи назоратни амалга оширишга хизмат қилиши лозимлиги» ушбу ҳужжатнинг асосий моҳияти ҳисобланади.

Базель кўмитасининг моҳияти шундаки, корпоратив бошқарувда асосий масъулият банклар Кенгаши ва ижрочи раҳбарият зиммасига тушади.

Корпоратив менежментда юқорида таъкидланган тамойилларнинг фойдаланилиши Ўзбекистон банк тизимида ҳам амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг асосий шартларидан бири саналади. Банк тизимида юритилаётган кенг миқёсли янгиланишлар туфайли банк тизимини ислох қилиш, банк хизматлари соҳасида

рақобат муҳитини шакллантириш, активларни мустаҳкамлаш ҳисобига банклар барқарорлигини кучайтириш ва акциядорлар ишини фаоллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Банк соҳасида корпоратив менежмент амалиётини кенгайтириш кейинчалик банк устав сармоясига, айниқса, хорижий инвесторлар ҳамда бошқа таъсисчиларнинг қўшимча маблағини жалб этиш имкониятини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, корпоратив бошқарув иқтисодийнинг реал тармоғига хизмат кўрсатиш ва уларни кредитлашга хизмат қилувчи банкларнинг ролини оширади, шунингдек, банкларнинг инвестициявий дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга доир фаолиятини жонлантиради ҳамда банклар ва уларнинг мижозлари ўртасидаги ҳамкорлик механизмини такомиллаштиради.

Республикамиз тижорат банкларида корпоратив бошқарув асослари 1998 йилда шакллана бошлади. Ўша пайтларда қонунчиликда банк ходимини шартнома асосида ёллаш тизимига ўтказиш ҳамда кредит ажратилиши ва унинг қайтарилишини таъминлашга оид масъулият банк ижрочи органи ва раҳбарлари зиммасига юклатилишига доир талаб белгиланди. Аинан ўша даврда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берувчи банк ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди. Ягона стандартлар асосида фаолият юритилишини таъминлаш мақсадида Акциядорлик тижорат банклари тўғрисидаги Низом ва Акциядорлик тижорат банклари Кенгаши тўғрисидаги намунавий Низом тасдиқланди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, тижорат банклари кенгашининг янги таркиби шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори ижроси доирасида банкларнинг инвестициявий ва кредитлаш имкониятини кенгайтириш, банк айланмасига бўш турган маблағларни жалб этиш, банк тизимининг яқин истиқболда ривожланишини рағбатлантириш ҳамда банк фаолияти сифатини оширишда корпоратив бошқарувнинг ўрни ва аҳамиятини юксалтиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Натижада тижорат банклари фао-

лиятда корпоратив манфаат устувор аҳамият касб эта бошлади.

Умуман олганда, мавжуд ва янгидан ташкил этилаётган тижорат банкларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли, шунингдек, республикамизда қабул қилинаётган қонунлар моҳиятан жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган стандартларга тўла мувофиқ келади. Мазкур халқаро стандарт ва тамойиллар эса корпоратив бошқарувнинг хусусиятларини белгилаб беради. Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ИХТТ доирасида, шунингдек, Базель кўмитаси тавсиялари асосида тузилган корпоратив бошқарувнинг барча тамойиллари ўз аксини топган.

Шу асосда акциядорларнинг қонуний манфаати таъминланди ҳамда банклар капитализациясини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар чоракда банкларнинг ижро органи ва ички аудит хизмати раҳбарларининг кредит, инвестициявий ва операцион сиёсатни амалга ошириш бўйича ҳисоботлари тингланганини назарда тутувчи амалиёт жорий этилди.

Кейинги вақтларда аҳолининг кенг қатлами, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хорижий сармоядорлар маблағларини жалб этиш орқали хусусий капитал иштирокидаги акциядорлик тижорат банклари ташкил этилишини рағбатлантиришга доир аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса банк бошқарувида бозор иқтисодийнинг муҳим иштирокчиси ҳисобланмиш хусусий тадбиркор манфаати ҳимоя қилинишини таъминлайди ва акциядорларнинг корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашдаги ролини оширади.

Ўзбекистон тижорат банкларида корпоратив бошқарув сифатини оширишга қаратилган асосий йўналиш активлар тузилмасини яхшилаш ва таваккалчиликларни диверсификациялаш билан боғлиқ. Аини пайтда тижорат банкнинг фойдаси корпоратив бошқарувнинг барча субъектлари учун муҳим аҳамиятга эга. Банк акцияларининг эгалари даромад олишдан манфаатдордир. Даромад омонатчи учун ҳам керак. Зотан, резервларнинг ортиши ва хизматлар сифатининг яхшиланиши ҳисобига янада ишончли ва самарали банк тизими шаклланади.

Корпоратив бошқарув ва ички назорат тизими сифатининг ортиши, банклар раҳбарларининг улар томонидан қабул қилинаётган қарорлар ижроси бўйича масъулиятининг кучайиши, жумладан, бозор тамойилларини қўллашдан тортиб банк фаолиятининг шаффофлигини таъминлашга ҳамда кредит муассасаси раҳбарияти, ходимлари ва акциядорларининг касбий малакасини ошириш борасидаги фаолиятнинг амалга оширилиши Ўзбекистон банк тизимини тубдан ислох қилиш ва банк ишига оид маданиятни тараққий эттиришга хизмат қилади.

Низомиддин МУРОДОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Пуллар замонавий жаҳон иқтисодиётининг асосий воситаси ҳисобланади. Мазкур тўлов воситасининг шаклланиши ва тараққиёти жараёнида пулларнинг ноодатий моҳиятини намоён этувчи факт ва маълумотлар тўпланиб қолган. Дунё бўйича ҳанузгача пулларнинг антиқа муқобил шакллари учрамоқда. Пуллар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар эҳтимол бойлик ва муваффақият рамзига бўлган муносабатни ўзгартирар.

Қуйида эътиборингизга пулларнинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни келтирамиз:

ПУЛ ҲАҚИДА ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР




- 1934 йилда 100 000 АҚШ доллари номиналли банкнота муомалага чиқарилган.
- АҚШ долларига реклама эълонларини жойлаштиришга 2004 йилда рухсат берилди.
- 1714 йилда Россияда бир рубль илк марта 100 тийинга тенглаштирилди.
- 1862 йилда биринчи бор 2 АҚШ доллариллик купюра юзага келди.
- 812 йилда Хитойда илк пуллар пайдо бўлди.
- Иван Грозний ҳукмронлиги даврида «тийин» сўзи тилга олина бошланди.
- 800 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағлар АҚШ айланмасида мавжуд бўлган.
- 100 АҚШ доллариллик банкнота 9 ойга яқин пул айланмасида бўлади.
- 1788 йилда Оливер Поллок исми шахс қоғоз ёрдамида пулларни кашф этди.
- Энг йирик номиналдаги купюра Туркияда мавжуд.
- Россияда муомаладан чиқарилган пулларни рубероид қилишади.
- Искандар Зулқарнайн тангаларда ўз суратини босишни йўлга қўйган илк ҳукмдордир.
- Швециянинг мис тангалари дунёдаги энг оғир тангалардан бири саналади.
- Биргина энг оғир мис танганинг вазни 19 килограммдан ортиқни ташкил этган.
- Россиянинг тангаси ўз вазни ва нуфузи бўйича энг кичик тангадир.
- Жаҳондаги энг кичик танга тахминан 0,17 граммга тенг.
- Хитойда эраимиздан аввалги иккинчи минг йиллик яримида бронзадан уй ҳайвонлари шаклидаги тангалар зарб этилган.
- Эраимиздан аввалги йиллардаёқ Хитойда илк қоғоз пуллар пайдо бўлган.
- 100 АҚШ доллариллик млн. долларнинг вазни тахминан 10 килограммга етади.
- Америка банкнотларининг тахминан 75 фоизи пахта ва 25 фоизи чит матосидан иборат бўлган.
- Австралиянинг пуллари махсус пластик аралашма ёрдамида ишлаб чиқарилади.
- 1934 йилда энг қиммат номиналдаги купюра 100 000 АҚШ долларини ташкил этди.
- АҚШда илк қоғоз пуллар 1861 йилда тайёрланган.
- Тангада сурати акс эттирилган биринчи президент Калвин Кулидждир.
- Йирик қорамол шохи энг оммабоп пул шакли ҳисобланган.
- АҚШда пулни қалбакилаштирувчиларга қарши курашадиган махсус маҳфий хизматга 1865 йилда асос солинган.
- 1788 йилда \$ белгиси юзага келди.

ЎҚИНГ, БУ ҚИЗИҚ!

Банк тизимидаги сунъий интеллект


Стивен Хокинг, Билл Гейтс ва ёш даҳо Илон Маск – уларнинг барчаси сунъий ақл ва унинг кучи мавжудлигига ишонади. Мутахассислар бундай инновацион лойиҳа банк соҳаси ривожига қай даражада таъсир кўрсатишини бежиз ўрганмапти.

ШАХСИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ КУЧАЙТИРУВЧИ ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН



Электрон ҳамён кўпчилик учун янгилик ҳисобланмайди, бироқ фикрлаш ва маслаҳат бера олишга қодир электрон ҳамён ҳақида ҳамма ҳам хабардор бўлмаса керак? Ушбу йўналишда «Digit», «Mint», «WealRo» ва «Cleo» сингари иловалар иш юритмоқда. Ушбу тизим хизмат ва маҳсулотларга оид даромад ҳамд истакларни таҳлил қилади, сўнг эса қайси хариддан тийилиш ва тежаш ҳақида маслаҳат беради. Шахсни «селфи» ёрдамида таниш мумкин. Мобиль банк дегаши шу бўлади.

МАРКЕТИНГ АВТОМАТЛАШУВИ



Ҳар қандай бизнесни ривожлантиришда тадбиркор оддий бир ҳақиқатни тушуниб етиши лозим. Хусусан, ҳар бир мижоз у ёки бу маркетинг стратегиясини қандай қабул қилиши тадбиркорни ўйлантириши лозим. Янги Зеландиянинг «Touchpoint» тадқиқот маркази мижоз билан яқиндан алоқа ўрнатиш ва унинг муносабатини билишга қаратилган ва сунъий ақлга асосланган «Radiant» номи билан юритилувчи платформани яратди. Унинг мақсади – фойдаланувчиларнинг эътирозига сабаб бўлувчи ҳолатларни башорат қилиш ҳисобланади. Платформа Австралия ва Янги Зеландиядаги йирик банклар, сугурта ва телекоммуникация компанияларининг миллионлаб мижозлари билан аноним равишда муносабат ўрнатади ва қайси ҳолат ва вазиятда камчиликлар мавжудлигини ўрганади. Натижада «Radiant» фойдаланувчиларни таваккалчиликлар ҳақида огоҳлантиради.

Ким билсин, агар сунъий ақл шундай суръатлар ва мақсадларда фойдаланишда давом этилса, молиявий муваффақиятнинг омили бутунлай ишлаб чиқилар? Ҳа, унинг қоидаларини қабул қилиш ёки қилмаслик эса сунъий ақлга боғлиқ эмас.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМҚОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

«Norma Hamkor» МЧЖ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

А.Н. НАЗАРОВ

Нашр учун масъул

А.С. АСРОРОВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

ДИРЕКТОР

Р.Л. ВАЛИЕВ

Газета таҳририятининг техник
ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КўМАГИ

ЎЗА, «Туркистон-пресс» НАА

ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун

232-45-32 телефони

орқали мурожаат қилинг.

Факс: 232-43-98.

Юридик шахслар учун нашр индекси – 102.
Жисмоний шахслар учун нашр индекси – 377.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № 1000.

Адади 7329 нуска.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмда, 3 шартли босма табоқда

чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 7.06.2017 й., 9.00.